



ТҮККИЗ ЮЗ БИРИНЧИ (1495-1496) ЙИЛ ВОКЕАЛАРИ

Султон Хусайн Бойкаро мирзо Хуросондан Хисор устига лашкар тортиб, кишда Тирмиз тўгрисига келди. Султон Масъуд мирзо ҳам лашкар йигиб, Тирмизга рўпара келиб ўтирди. Хисравшоҳ ўзи Кундузни маҳкам килиб, иниси Валини лашкарга юборди. Кишнинг аксарини сув ёкасида ўтказдилар, нарига ўта олмадилар. Султон Хусайн мирзо ишби-лармон ва тажрибали подшоҳ эди. Кундуз сари дарё юкорисига кўчди.

Рўпарасидаги лашкарни гофил колдириб, Абдуллатиф баҳши бошлик беш-олти юз уддабурон одамларини Килиф кечигига юборди. У лашкар хабар топгунча, Абдуллатиф баҳши тайин бўлган эл билан Килиф кечигидан ўтиб, сув ёкасини эгал-лади. Бу хабар Султон Масъуд мирзога етиб боргач, Вали Хисравшоҳ бу кечган одамларнинг устига бормокка харчанд ҳаракат килди, Султон Масъуд мирзонинг кўрқоклигидан ёки Валининг тескариси бўлган Боки Чағонийнинг раъйига қараб, бу кечган лашкарнинг устига юрмади. Лашкар тартибсиз йўсинда Хисор сари қайтди.

Султон Хусайн мирзо сув кечиб, Ба-диуззамон мирзо ва Иброҳим Хусайн мирзони, Мухаммад Валибек ва Зуннун аргунни Хисравшоҳ устига ҳужумчи қисм килиб юборди. Музаффар мирзо ва Мухаммад Бурундук барлосни Хатлон устига жўнатди. Ўзи Хисор устига келди. Яқин борганда хабар топдилар.

Султон Масъуд мирзо Хисорда турмокнинг йўлини тополмай, Камруд анхори ёкалаб, юкори Сири тоғ йўли билан иниси Бойсункур мирзо қошига — Самарқандга кетди. Вали ҳам Хатлон сари йўл тортди. Хисор кўргонини Боки Чағоний, Маҳмуд барлос ва Қўчбекнинг отаси Султон Аҳмад беркитдилар.

Ҳамза Султон ва Маҳдий Султон бир неча йилдан бери Шайбонийхондан айрилиб келиб, Султон Маҳмуд мирзо хиз-матида эдилар. Барча ўзбеклари билан Мухаммад дуглат Султон Хусайн дуглат ва жами Хисор вилоятида ўтирган мўғуллар билан бу таҳликада Коратегин сари йўл тортдилар. Султон Хусайн мирзо бу хабарларни эшитиб, Абулмуҳсин мирзони ва баъзи йигитларни Камруд дараси юкорисига, Султон Масъуд мирзо ортидан юборди. Тор дарага қирган пайтда ортидан етиб борган бўлсалар-да, лекин айтарли иш ҳам қила олмадилар. Бирок, Мирзобек фарангибоз (ўкотар) унда қилич билан иш кўрсатади.

Иброҳим тархон, Яъқуб Айюб, яна баъзи лашкар Ҳамза Султон ва мўғулларнинг устига Коратегинга юборилди. Коратегинда кейинидан етиб урушдилар. Лекин улар Султон Хусайн мирзонинг илгор қисмини босиб, бекларнинг аксарини қўлга тушириб, яна қўйиб

юбордилар.

Хисордан ўша чикканларидан кейин Хамза Султон, Махдий Султон, Хамза Султоннинг угли Мамоқ Султон, Муҳаммад дуглат (сўнгралар Муҳаммад Хисорий сифатида машхур бўлиб эди), Султон Хусайн дуглат ва бу султонларга тааллуқли ўзбеклар, Хисор вилоятида яшаб турган Султон Махмуд мирзо навкарлари бўлган мўғуллар бизни деб рамазон ойида Андижонга келдилар.

У пайтда теурий султонлар расми билан тўшак устида ўтиргандим. Хамза Султон билан Махдий Султон ва Мамоқ Султон келганларида, бу султонларнинг таъзимига ўрнимдан туриб, тўшакдан тушиб, султонлар билан кўришдим. Сул-тонларни ўнг кўл томонимга ўтиргиздим. Муҳаммад Хисорий бошлик барча мўғуллар келдилар. Барчаси мулозимликни ихтиёр килдилар.

Султон Хусайн Бойкаро мирзо келиб Хисор кўргонини камал килди. Лахм казимок, кўргон олмоқ, тош урмоқ ва тошотар козон курмокнинг пайида кечаю кундуз ором ва карори йўқ эди. Тўрт-беш ерда лахм каздирди. Шахар томон дарвоза ёнидан казилган лахм анча илгарилариди. Кўргон эли ҳам лахм казиб, бу лахмни топдилар. Кўргонликлар юкоридан буларга томон тутун хайдадилар. Хужумчилар тешиқни бер-китгач, тутун юкорига — кўргон элининг ўзларига қайтиб, кўргон эли ўлим вахи-масида лахмдон қочиб чикдилар. Охири кўза-кўза сув келтириб қуйиб, ташки элни лахмдан қочирдилар. Яна бир маротаба бир туда илдам йигитлар қичиб лахм устидаги йигитларни қочирдилар. Яна Хусайн Бойкаро мирзо тушган шимол тарафдан тошотар козон қуриб, кўп тош билан уриб, қалъанинг бир бурчаги-даги миноранинг ичини уйдилар. Хуфтон намози пайтида қалъанинг кунгирадор устуни учди. Баъзи йигитлар тезлик қилиб урушга рухсат сўрадилар. Султон Хусайн мирзо „Кечаси бўлди“, деб рухсат бермади. Тонг отгунча кўргон эли қалъанинг учган устунини тўла таъмирлаб, қайтадан тиклаган эдилар. Эртаси уруш ҳам бўлмади. Бу икки ой, икки ярим ойда дўк-пўписа ва қалъа тешмоқ, сарқўб тикламоқ ва тош отмоқдан бошқа тузук уруш бўлмади.

Бадиуззамон мирзо ва Хисравшоҳ устига юборилган лашкар қисми Кундуз-дан уч-тўрт йигоч қуйроқ тушганда Хисравшоҳ бор қишиси билан аслахаланиб, Кундуздан қичиб, орада қўниб, Бадиуззамон мирзо ва лашкарининг устига бостириб келди. Булар — шунча мир-золар ва шунча сардор беклар аскарлари Хисравшоҳнинг қишларидан икки қисса ортиқ бўлмаса-да, бир ярим қисса-дан кўпроқ бўла туриб қўчиб, эҳтиёткорлик дея хандакдан қикмадилар. Хисравшоҳнинг яхши-ёмон, қатта-қичик навқари тўрт-беш мингча эди. Хисравшоҳ бу ўтар бебақо дунё учун ва қетар навқари бевафо учун шунча ёмонлик ва бадномликни ихтиёр қилиб ҳамда мунча зулм ва адолатсизлик қилмоқни ўзига шор қилиб, қатта-қатта қилоятларга эга бўлиб, шунча кўп навқар ва савдар саклаш тутумини қилиб, балки сўнгралар навқар ва мулозимлари йигирма-ўттиз мингга етиб, қилоятлари ва ноқиялари ўз қодшохи ва мирзоларидан ортиб, умрида эришган қалабаси шу бўлди. Шу туфайли Хисравшоҳ ва тобеларининг номи сардорликка қичиб, мардона бўлдилар. Хандакдан қикмаганлар кўрқокликда ном қикариб, юраксизлик билан афсона бўлдилар. Бадиуззамон мирзо ундан қўчиб, бир неча манзил қўниб Толиқоннинг Олгу тоғига қелиб тушди. Хисравшоҳ Кундуз кўргонида эди. Ташқаридан уларга қавф солиб туриш учун иниси Валини бир туда қасур йигитлари билан Ишқамиш, Фу-лул ва у тоғ этакларига юборган эди. Яна Муқиб Али кўрчи бир даста бақодир йигитларни олиб қелиб, Қатлон қарёсининг ёқасида буларнинг одамларига учраб, уларни енгиб, бир қуруқ қишини асир қилиб, бир неча бошни қесиб қетди. Сўнги навбат қунинг қасдига Сайқим Али эшиқога, иниси Қулибек ва Бақлул Айюб бир қисм қучли йигитлар билан қелиб, Анбарқўх этағида

Хожачангол мавзесида Хуросон лашкари кўчган ма-хали тўкнашадилар. Кўп киши етиб Сайдим Али ва Кулбобони, яна бир гурух йигитларни асир олди.

Бу хабар Султон Хусайн мирзога етишди. Бунинг устига Хисорнинг бахор ёгинлари сабабидан лашкар ҳам ташвиш-дан холи эмасди. Яраш учун ичкилардан Махмуд барлос чикиб келди. Ташкаридан Хожа Пир баковул, улуг оғалар ҳамда мавжуд бўлган созанда ва хофиз-лар келиб, Султон Махмуд мирзонинг Хонзодабегимдан бўлган катта кизини Султон Абусаид мирзонинг киз набираси Поянда Султонбегимдан бўлган Хайдар мирзога олиб, Хисор устидан кўзгалиб Кундуз сари юзландилар. Кундузга келиб ҳам бир оз сиёсат килган бўлиб шаҳарни камал килдилар. Охири Бадиуззамон мирзо орага тушиб, ярашиб, ич-кари-ташқари тушган йигитларни алмаштириб қайтиб кетдилар. Хисравшоҳнинг бунчалик улғаймоғи-га, бунча хадди сигмас ишларни килмоғига Султон Хусайн мирзонинг икки маротаба келиб ҳам уни енга олмай қайтмоғи сабаб бўлди. Султон Хусайн мирзо Балхга етганда Мовароуннахр вилояти маслаҳати учун Балхни Бадиуззамон мирзога бериб, унинг вилояти бўлган Астрободни Музаффар Хусайн мирзога берди. Хар иккаласини Балх ва Астробод ҳокимлиғига бир мажлисда таъзим — куллуқ килдирди. Ана шу сабабдан Бадиуззамон мирзо ранжиди. Кейинги шунча йиллик душманликлар ва фитналар-нинг сабаби шу эди.

Ушбу рамазон ойи Самаркандда тархонийлар фитнаси содир бўлди. Шарҳи шуки, Бойсункур мирзо Хисор беклари ва лашкар сардорлари билан яхши муносабат ва тутумда эди, лекин Самарканд бек ва сипоҳилари билан унчалик эмасди. Шайх Абдулло барлос энг улуг, эътиборли бек эди. Ўғлонлари Бойсункур мирзо оила аҳли билан шунчалик яқин ва кадрдон эдиларки, уларни ошиқлик ва маъшуқликка ўхшатар эдилар. Тархон беклари ва баъзи Самарканд беклари шу сабабларга кўра, Бойсункур мирзодан ранжидилар.

Дарвеш Мухаммад тархон Бухородан келиб, Султон Али мирзони Каршидан келтириб, подшоҳ кўтариб, Боғи Навга келди. Бойсункур мирзо шу ерда эди. Бойсункур мирзони навкар-савдаридан айириб тутқун тарзида арққа келтирдилар. Иккала мирзони бир жойга ўтиргиз-дилар. Кечкурун, намози дигарда Бойсункур мирзони Кўксаройга чиқариб катл этиш хаё'л ид а эдилар. Бойсункур мирзо таҳорат олмоқ баҳонаси билан Бўстон саройининг шарқи-шимол тарафидаги бир уйга кирди. Эшик оғзида тархонийлар тургандилар. Мирзо билан Мухаммад Кули кавчин, Хасан шарбатчи бирга кир-дилар. Қисматни қарангки, мирзо таҳо-ратга кирган уйнинг орқа тарафида фа-кат гишт тахлаб чиқилган эшиги бўлиб, ундан ҳовли орқали ташқарига чиқилар экан. Дарҳол бу гиштларни йикитиб, ар-қнинг Готфар тарафидаги деворининг сув-чиқар ариғи орқали чикиб, иккинчи девордан ошиб Хожа Кафширға, Хожаго Хожа уйига бордилар. Таҳоратхона эшигида турганлар бирпасдан сўнг мулоҳ қилиб кўрсаларки, мирзо қочибди. Эртасига эрталаб тархонийлар йиглиб Хожаго Хожанинг эшиғига бордилар. Хожа: „Йўқдир“ деб, бермайди. Улар ҳам зўрлаб олмайдилар. Чунки жаларнинг ҳурмат мартабаси зўрл олишга йўл қўймас эди. Бир-икки кг дан сўнг Хожа Абдулмақорим, Аҳм Хожибек ва яна баъзи бек, кичик беклар, сипоҳилар ва шаҳар элининг жам аси оммавий хужум қилиб Хожани уйидан мирзони келтирдилар; Султон Али мирзони ва тархонийларни арқ камадилар. Арқни бир кун ҳам саклай олмадилар.

Мухаммад Мазид тархон Чоррах дарвозаси билан чикиб қочиб Бухорога борди. Султон Али мирзо билан Дарве; Мухаммад тархон қўлга тушди.

Бойсункур мирзо Аҳмад Хожибекнинг уйида эканида Дарвеш Мухаммад тархонни келтирдилар. Бойсункур мирзо бир-икки сўз сўради. Яхши жавоб бера олмади. Яхши

жавоб бергулик иш килмаган эдики, жавоб берса! Мирзо уни ўлимга буюрди. Дарвеш Мухаммад тархон бетокатликдан устунга ёпишди. Устунга ёпишгани билан кўядиларми?, Катл этдилар. Султон Али мирзони Кўксаройга чиқариб кўзларига мил тортишни буюрди. Темурбек солган олий иморатлардан бири Кўксаройдирки, у Самарканд аркида жойлашган. Ажиб хосиятли иморатдир. Темурбек авлодидан ҳар ким бош кўтариб тахтга ўтирса ҳам бунда ўтиради, ҳар ким тахт орзуси билан бош кўйса ҳам бунда кўяди. Хаттоки, фялон подшоҳни Кўксаройга чиқардилар, яъни ўлдирдилар, деган кинояли гап юрарди.

Султон Али мирзони Кўксаройда кўзларига мил тортдилар. Жаррохнинг ихтиёри биланми ё беҳосданми наштардан Султон Али мирзонинг кўзларига ҳеч бир зарар етмади. Буни у дарҳол билдирмади. Султон Али мирзо Хожа Яхёнинг уйига борди. Икки-уч кундан сўнг кочиб, Бухорога — тархонларга борди. Ҳазрати Хожа Убайдуллоҳ авлодининг орасида бу сабабдан иттифоклик-иноклик пайдо бўлди. Улуги улугига мураббий, кичиги кичигига хомий бўлди.

Бир неча кундан сўнг Хожа Яхё ҳам Бухорога борди. Бойсункур мирзо лашкар тортиб Бухорога, Султон Али мирзонинг устига юрди. Бухорога яқин колганда Султон Али мирзо ва тархон беклари саф тортиб чиқдилар. Бир оз уруш бўлди. Галаба Султон Али мирзо тарафида бўлиб, Бойсункур мирзо шикаст топди. Аҳмад Хожибек ва яна бир гуруҳ сара йигитлар кўлга тушди, аксариятини ўлдирдилар. Аҳмад Хожибекни Дарвеш Мухаммад тархоннинг катли сабабли ҳурматсизларча катл этдилар.

Султон Али мирзо Бойсункур мирзонинг ортидан дарҳол Самаркандга юрди. Бу хабар шаввол ойида Андижонга, бизга етиб келди. Биз ҳам Самарканд умиди билан ўша шаввол ойидаёқ лашкар тортиб отландик. Султон Хусайн мирзо Хисор ва Кундуздан кайтган эди. Султон Масъуд мирзонинг ва Хисравшоҳнинг хотири жам эди. Султон Масъуд мирзо ҳам Самарканд орзусида Шахрисабз устига келди. Хисравшоҳ иниси Валини Масъуд мирзога кўшди. Уч-тўрт ой Самаркандни уч томондан камал килдик. Хожа Яхё Султон Али мирзо олдидан келиб, орада иттифок ва ҳамжихатлик ўрнатмокчи бўлди. Кўришмокка рози бўлиб, Самарканддан икки-уч шаръий куйирок Сугд тарафидан мен лашкарим билан бордим. У тарафдан Султон Али мирзо лашкари билан келди. Наридан тўрт-беш киши Султон Али мирзо, беридан тўрт-беш киши билан мен Кўҳак сувининг оралигидан кечиб, от устидаёқ кўришиб, сўрашиб, улар у тараф кетдилар, мен бу тараф келдим.

Мулло Биноийни ва Мухаммад Солиҳни ўшанда Хожа Яхё хизматида кўрдим. Мухаммад Солиҳни ўшанда бир мартагина кўрдим. Мулло Биноий эса кейинчалик анча вақт менинг хизматимда бўлди.

Султон Али мирзо билан кўришганимиздан сўнг, киш яқин келиб колган эди, Самарканд эли ҳам унчалик танқисликни кечираётган эмасди. Шу сабабли мен Андижонга, Султон Али мирзо Бухорога кайтдик.

Султон Масъуд мирзо Шайх Абдулло барлоснинг кизига жуда мойил эди. Уни олиб, мамлакат олишлик дағдағасини кўйиб, Хисорга кайтди. Балки бу келишдан максоди шу бўлгандир.

Шероз ва Канбой мавзеларидан Махдий Султон кочиб, Самаркандга борди. Ҳамза Султон Зоминдан ижозат билан Самаркандга борди.

давоми бор...